# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 150 (9.342) 1999 йил 27 декабрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда





## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

***Мустақил Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги муҳим сиёсий воқеа — 2000 йилнинг 9 январида бўлиб ўтадиган Президентлик сайловига икки ҳафтадан сал кўпроқ вақт қолди. Истиқлол туфайли ўз тақдирини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлган халқимиз бу тадбир билан иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгаришларнинг давом эттирилиши ҳамда чуқурлаштирилиши, ижтимоий барқарорлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлигининг мустаҳкамланиши, фаровонликнинг ошиши ва она-Ватаннинг гуллаб-яшнаши борасидаги умидларини боғламоқда.***

Урганч шаҳрида Фидокорлар миллий демократик партиясидан Президентликка номзоди кўрсатилган Ислом Каримовнинг Хоразм вилояти сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашуви бунинг яққол далили бўлди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм округ сайлов комиссиясининг раиси Ибодулла Бойжонов очди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Боғот тумани ҳокими Шакаржон Хўжаниёзова йиғилганларни Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. У Ислом Каримовнинг ўзбек давлатчилиги ва халқимизнинг миллий ўзлигини англаши йўлидаги хайрли ишларнинг ташаббускори ва асосий ташкилотчиси эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Агар мендан ҳақиқий жасорат намунаси нима, деб сўрашганда, — деди Ислом Каримов, — хоразмлик оддий деҳқоннинг мураккаб иқлим шароитидаги ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонлик, деб жавоб берган бўлур эдим.

Муқаддас Хоразм заминида бундан уч минг йил муқаддам миллий давлатчилик асослари яратилган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён бу ерда кенг кўламли ўзгаришлар содир бўлди. Бундан икки йил муқаддам Хива шаҳриниг 2500 йиллиги халқаро миқёсда нишонланганлиги, орадан минг йил ўтиб, Хивада дунёдаги энг биринчи академия бўлган Маъмун академиясининг қайта ташкил этилганлиги бунинг яққол далилидир.

Яқинда вилоятда халқимизнинг миллий қаҳрамони Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги ва ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг 190 йиллик тўйи нишонланди.

Вилоят иқтисодиётида ҳам янгиланиш жараёнлари давом этмоқда. Хоразмда мамлакат саноатининг янги соҳаларида етакчи деб ҳисобланадиган йирик корхоналар барпо этилди. 1200та собиқ давлат корхоналарида мулкчилик шаклининг ўзгарганлиги ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун йирик инвестициялар, хорижий сармоялар жалб этилмоқда.

Ислом Каримов қайд этганидек, ҳукуматимизнинг шу йил май ойида қабул қилган қарорига кўра, вилоятда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга доир дастур амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсадлардан бири — яқин уч йил ичида 100 мингдан ортиқ янги иш ўринларини барпо этишдир.

Учрашувда сўз чиққан ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университетининг талабаси Назокат Маткаримова, Хоразм Маъмун академиясининг раиси Азимбой Саъдуллаев, республика «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими раҳбари Гавҳар Ибодуллаева, Хонқа тумани Олажа қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Шоҳназар Йўлдошев Ислом Каримовнинг вилоят аҳлининг чексиз ҳурмати ва ишончига сазовор бўлганлигини қайд этиб, уни мустақилликнинг мустаҳкамланиши ва Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашининг кафили эканлигини таъкидлашди.

**Тимур ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## СУРХОНДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримов 25 декабрь куни Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.***

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлаб, ўз сўзида вилоят ва мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги энг муҳим ва долзарб масалаларга тўхталиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққанлар Ислом Каримовнинг Ватан ва халқ олдидаги беқиёс хизматларини таъкидлаб, 2000 йил 9 январда сайловчиларни унинг номзоди учун овоз беришга даъват этдилар.

## АБДУЛҲАФИЗ ЖАЛОЛОВНИНГ ФАРҒОНАЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

***Фарғона шаҳридаги Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли вилоят театрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод, мазкур партия Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи II-Фарғона округ сайлов комиссиясининг раиси Расулжон Тожиев бошқарди.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби Анваржон Эгамбердиев сайловчиларни Абдулҳафиз Жалоловнинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти билан таништирди. Нотиқ А.Жалолов таниқли олим, жамоат арбоби сифатида мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимиз илмфани салоҳиятини ошириш, унинг амалий натижаларини кундалик ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга татбиқ этишга қаратилган кўплаб рисола ва илмий мақолалар муаллифи эканини таъкидлади. Кейинги вақтда у раҳбарлик қилаётган партия сафи ўсиб, сиёсий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Учрашувда сўз олган Абдулҳафиз Жалолов сайловчиларни ўз сайловолди дастури билан таништирди.

Фарғона давлат университети талабаси Зуҳро Акбарова, олтиариқлик уруш ва меҳнат фахрийси Маматқул Мустафоев, «Ўзбекистон овози» газетасининг Фарғона вилоятидаги мухбири Алишер Ибодинов, Марғилон шаҳридаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси Эъзозхон Қосимова ва бошқалар барча сайловчиларни 2000 йил 9 январь куни бўладиган Президент сайловида мустақил мамлакатимизнинг буюк келажаги учун амалий ва ҳалол меҳнат қиладиган муносиб номзод учун овоз беришга чақирдилар.

**Р.КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## АНДИЖОНЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзод, мазкур партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг Андижон вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Президентликка номзод ўзининг сайловолди дастури билан йиғилганларни таништирди. Учрашув қатнашчилари 2000 йил 9 январь куни мамлакатимиз Президентлигига бўладиган сайловда муносиб номзод учун овоз беришга барча сайловчиларни чақирдилар.



**Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 87-сайлов участкасида ҳам мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тараддуд кўрилмоқда.**

**СУРАТДА: сайлов участкасининг раиси Ш. Абдураҳимов (ўртада) сайлов участкаси комиссияси аъзолари билан ўзаро мулоқот пайтида.**

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Бадиий академиясида мамлакат Президентлиги сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

◆ Махсус жиҳозланган автобус республикамиз вилоятларининг олис туманларига йўл олди. Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзавтотранс» корпорацияси томонидан уюштирилган бу тадбирдан кўзланган мақсад — 2000 йилнинг 9 январида бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдидан сайловчиларнинг фаоллигини ошириш, узоқ қишлоқ одамлари орасида мустақиллик ғоялари ва ютуқларини тарғиб қилишдир.

◆ Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Қарори муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига миннатдорчилик мактубини йўллади.

◆ Вазирлар Маҳкамасида келгуси Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Темурийлар тарихи Давлат музейида учинчи анъанавий илмий анжуман бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг пленуми бўлди.

◆ Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги «Йилнинг энг яхши мактаби» республика кўрик-танловини якунлади.

◆ «Ўзэкспомарказ»да озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда зарур эҳтиёж моллари анъанавий кўргазмаси ташкил этилди. Уч кун давомида бу тадбирда мамлакатимизнинг ўнлаб уюшма, концерн, фирма ва компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

◆ Тошкент вилоят ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва маъмурий идоралар ходимларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида анъанавий «Табиат ва рассом» кўргазмаси очилди. 2000 йил арафасида ташкил этилган бу кўргазма академия бадиий ижодкорлар бирлашмаси аъзоларининг ўзига хос йиллик ҳисоботидир.

### ЖАҲОНДА

◆ Перу Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонасида Ўзбекистон Республикаси ва Перу Республикаси ўртасида БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма коммюнике имзоланди.

◆ Москвадаги «Иллюзион» кинотеатрида ўзбек фильмлари ҳафталиги бошланди. Ҳафталик режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг «Бомба» кинокомедияси билан очилди.

◆ **Бугун** Индонезия Нидерландия таркибидан мустақил давлат сифатида ажралиб чиққанига 50 йил тўлади.

◆ **Бугун** Минскда давлат маблағларини ўзлаштиришда айбланаётган собиқ бош вазир Михаил Чигир иши юзасидан суд бошланади.

◆ Шри-Ланкада президент сайлови бўлиб ўтди.

◆ Кубанинг «Кубана-де-ависъон» авиакомпаниясига тегишли самолёт Гватемаланинг «Ла-Аурорра» халқаро аэропортида ҳалокатга учради.

◆ Венесуэла мамлакатида янги конституция кучга кирди.

◆ Исроил — Сурия тинчлик музокаралари 2000 йил 3 январда АҚШда бўлиб ўтади.

◆ Буюк Британия қашшоқ мамлакатларнинг 8 миллиард АҚШ долларига тенг қарзидан кечишга қарор қилди.

◆ Нигерияда яқиндан беш йил муддатга мамлакат президенти этиб сайланган Мамаду Танжанинг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

◆ Исроил полициячилари 2000 йил кириши арафасида мамлакатда хавфсизлик чораларини кўрмоқда.

◆ Жаҳон Банки Қозоғистонга 140 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитни 20 йил муддатга беради.

◆ Фремило ҳукмрон партияси етакчиси Жоаким Чиссано Мозамбикнинг янги президенти этиб сайланди.

◆ Покистон ҳукумати халқаро террорчи Усама бин Ладин муаммосини ҳал қилишда ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдирди.

◆ **Бугун** Ҳиндистонда хусусий банк хизматчиларининг ойлик иш ҳақини ошириш юзасидан иш ташлаш намойиши бўлиб ўтади.

◆ Ўтган шанба куни террорчилар Катманду — Деҳли йўналиши бўйлаб парвоз қилаётган Ҳиндистон аэробусини қўлга олишди. Қароқчилар Ҳиндистон қамоқхоналаридан бирида сақланаётган мусулмон бошлиқларидан бирининг озодликка чиқарилишини талаб этишмоқда. Ҳозир ушбу авиалайнер салонидаги 160 йўловчи билан Афғонистоннинг Кандаҳор аэропортида ушлаб турилибди.

◆ Жанубий Африка Республикасининг Иоханнесбург шаҳри яқинида икки йўловчи поезд тўқнашиб кетди. Оқибатда уч киши ҳалок бўлди, кўплаб одамлар шифохоналарга ётқизилди.

◆ Яна бир ойдан сўнг футбол бўйича Африка биринчилиги бошланади. Айни пайтда Нигерия терма жамоаси Испания майдонларида тайёргарлик машғулотларини ўтказмоқда.

## ХАЛҚИМНИНГ ОЛИЙ ТИЛАГИ

*Ишон халқим, омад сенга кулиб*
*боққан,*
*Адолатли сайлов доим элга ёққан.*
*Ана шундай сайлов бўлур юртимизда,*
*Президентни сайлайди эл, ёруғ юзла.*

*Номзодларнинг номзодидир Ислом ака,*
*Кўзларидан ёғилур нур, ҳам барака.*
*Тотувликда ўтар бунда тўй,*
*маърака.*
*Овозинг бер одил инсон Юртбошингга.*

*Сайловда сен чин адолат ютсин*
*десанг,*
*Элу юртим тинч, фаровон*
*юрсин десанг,*
*Ўзбекистон асл бўстон бўлсин десанг,*
*Овозинг бер оқил инсон Юртбошингга.*

*Келажагим яна буюк бўлсин десанг,*
*Дилга роҳат бағишлаган юртни десанг.*
*Онанг берган оқ сутини оқлай десанг,*
*Овозинг бер азиз инсон Юртбошингга.*

*Йўлбошчимиз омон бўлсин узоқ йиллар,*
*Мард, баҳодир ўзбек халқим*
*шуни тилар.*

**Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ.**

## БИР ОВОЗДАН

***Мамлакатимизда кам таъминланган, меҳр-мурувватга муҳтож оилалар ва инсонларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин давлатимиз томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш ҳақини ошириш, ўртача даромадни кўпайтириш, ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш борасида олиб борилаётган савобли ишлар ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.***

Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот тизими ходимлари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийларининг «Нуронийлар оромгоҳи» дам олиш уйида бўлиб ўтган Президентимиз Ислом Каримовнинг номзодини бўлажак сайловда қўллаб-қувватлашга бағишланган йиғилишида юқоридаги фикрлар айниқса кўп тилга олинди.

Йиғилишда сўзга чиққан шаҳар ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Саида Мусажонова, меҳнат фахрийларидан Эгамназар ҳожи Қодиров, Хожияхон Азимова, Зуҳринисо Шоакбарова ва бошқалар ўз сўзларида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, халқимизнинг фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашимизда Юртбошимизнинг чексиз хизматларини алоҳида таъкидладилар. Улар юртимиз осойишталиги ва ўтиш даврида кучли ижтимоий муҳофаза сиёсатини олиб бориш борасида Президентимиз қабул қилган Фармонларнинг, Йўлбошчимизнинг сайловолди Дастурида аввало халқ турмуш даражасини яхшилашга, инсон манфаатларига муҳим эътибор қаратилганлигини зўр қониқиш билан таъкидладилар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқиндагина қабул қилган «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини зўр қониқиш билан кутиб олганликларини айтдилар. Улар бўлажак Президент сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаб Юртбошимиз учун якдиллик билан овоз бериш шаҳримизнинг ижтимоий таъминот тизими ходимлари азму қарори эканлигини бир овоздан изҳор этдилар.

**(Ўз мухбиримиз).**

## Маросимлар

## СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

***25 декабрь куни «Туркистон» саройида 1999 йилги энг кучли спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Шу куни тадбирга ташриф буюрган спортимиз фахрийлари, юлдузлари, ёш, умидли спортчилар, мутасаддилар, мураббийлар ва журналистлар бир умр ёдда қоладиган унутилмас онларнинг гувоҳи бўлишди.***

Дастлаб йиғилганлар жаҳон, Осиё, Олимпиада чемпионлари ва совриндорлари бўлмиш М. Абдуллаев, А. Григорьян, А. Акопянц, У. Аҳмедов, Р. Исломов, В. Куценко, К. Муродов, Т. Муҳаммадиев, И. Тўлаганова, Т. Турғунов, Ў. Ҳайдаров, Р. Чагаев, А. Қурбонов каби спортимиз юлдузларини зўр олқишлар билан кутиб олишди ва уларга давлатимиз, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар топширилди. Сўнг энг истиқболли ёш спортчилар, йилнинг энг яхши мураббийлари ва спортчилари, йилнинг энг яхши жамоалари, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича энг яхши жамоалар, тараққиёти энг кучли жамоалар, Ўзбекистоннинг XX асрдаги энг буюк чемпионлари, юқори кўрсаткичларга эришган спорт федерациялари, йилнинг энг яхши ҳакамлари ва спорт журналистлари ҳам муносиб тақдирландилар.

Тадбир давомида Ўзбекистон спортчиларининг Республика Президентига мурожаати қабул қилинди. Шунингдек, спортчиларимиз Юртбошимизга ўзларининг махсус совғаларини йўллашди. Эстрада юлдузларининг чиқиши эса тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров иштирок этди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**



## Суратли ахборот

## ФАРЗАНДЛАР КЎНГЛИ ШОД БЎЛАДИ

***Янги, 2000 йил ҳам бўсағада турибди. Унга бор-йўғи беш кун қолди. Ана шу боисдан пойтахтимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир майдону истироҳат масканларида унга алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонидаги тайёргарлик ушбу фикримизга ёрқин далилдир.***

Тошкентнинг марказий майдонида Янги йил олдидан ва Янги йилдан кейинги кунларда ҳам байрам томошалари, болалар учун ярмаркалар ўтказилади. Чунки ана шу пайтда қишки таътил кунлари бўлади-да! Агар 2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилинганлиги эътиборга олинадиган бўлса бу байрамнинг шукуҳи айниқса, ўзгача бўлади. Ана шу боисдан ҳам байрам томошаларининг ҳар томонлама ранг-баранг ва қизиқарли бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Худди ана шундай фикрни Мирзо Улуғбек, Ўзбекистон Миллий боғи, Усмон Носир номли боғ ва бошқа гўшалар хусусида ҳам айтиш мумкин. Ана шу ерларда арғимчоқлар ва бошқа аттракционлар ўрнатилмоқда. Бундан ташқари ўн битта туманларнинг ҳокимликлари йигирмага яқин дўкончаларни ўрнатдилар, бу ерда ўйинчоқлар ва ширинликлар сотилади. Лекин ҳаммадан ҳам Мустақиллик майдонида ўрнатилаётган улкан арча атрофи одамлар ва болалар билан айниқса, гавжум бўлади. Унинг баландлиги 22 метрни ташкил этади. «Тошшаҳарнур» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари бу арчанинг монтажи ва уни безатиш билан шуғулланишмоқда. Мустақиллик майдонини ранг-баранг чироқлар билан безатиш ишлари ҳам ниҳоясига етмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**



**СУРАТЛАРДА: Мустақиллик майдонида ўрнатилаётган энг баланд арча.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

***Ўтиб бораётган умрнинг сарҳисобига ҳамма ҳам етавермайди. Шунинг учун ҳам вақт ғанимат, ундан унумли фойдаланиб, ҳунар ўрганиб, билим олиб қолиш керак. Айрим ёшларимиз буни тушуниб етмайди. Уларнинг тушуниб етишлари учун ҳозирги кунда кенг имкониятлар мавжуд. Айниқса туман меҳнат органларида бу борада изчил ишлар олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида Чилонзор туманида амалга оширилган ишлар тўғрисида меҳнат органи раҳбари Фарҳод Раимқулов қуйидагиларни гапириб берди.***

— Туманимизда ҳозирги кунда 219,4 минг аҳоли истиқомат қилади, шулардан 115 мингдан ошиғи аёллардир. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг сони 120,7 мингга тенг. Меҳнат билан банд бўлмаган аҳолининг сони 14920 та фуқарони ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли «Болали оилаларни Давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиш» тўғрисидаги Фармонининг бажарилиши юзасидан жорий йилнинг шу давригача тумандаги 43 та маҳаллалардан ариза тушган бўлиб, улардан 852 та оилага болалар нафақаси тайинланди. Ва жами 3409 та оилага болалар учун 6934963 сўм нафақа берилди. Кам таъминланган оилалардан 1640 та ариза тушди ва 1180 та оилага 2572750 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

## Бандлик

# ҲАР БИР КУН МАСЪУЛИЯТЛИ

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига асосан ўтган ўн ой давомида 408 кишига ишсизлик мақоми берилди. 408 кишига эса 1639070 сўм миқдорида ишсизлик нафақаси тўланди. Йил бошидан қарилик нафақасига 55 кишининг ҳужжатлари туман ижтимоий таъминот бўлимига юборилди.

Тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун махсус 7 фоизли иш жойлари ташкил этиш бўйича 1999 йилда 13 та корхона, ташкилот ва муассасаларда 139 та янги иш жойи ташкил этилди. Квота жойларга шу давргача 177 фуқаро ишга жойлаштирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 декабрда қабул қилинган 504-сонли қарорига асосан корхоналарда ногиронлар учун 3 фоизли иш жойлари ташкил этилиши белгиланган. Шунга кўра тумандаги 4 та корхонада 12 та иш жойлари яратилди.

Меҳнат органига йил бошидан бери 1530 та фуқаро мурожаат этган бўлса, шулардан 1139 таси иш билан таъминланди. Янги касбга йўналтириш, қайта ўқитиш бўйича 262 нафар фуқарога бепул ўқишга йўлланма берилди.

Бўш иш жойлари тўғрисида туманда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар тегишли ҳужжатларни меҳнат органига топширадилар. Ҳозирги кунда туман бўйича 2596 та бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари мавжуд. Уларда 312 та хизматчиларга ва 2284 та ишчиларга талаб бор. Бундан ташқари туман корхоналарида йил бошидан бери 5160 та янги иш жойлари ташкил этилди. Бу муваффақиятларга эришишда ўз-ўзини бошқариш органи, яъни маҳаллалар билан меҳнат инспекторларининг ҳамкорликдаги ишлари алоҳидадир. Чунки меҳнат инспекторлари томонидан мавжуд 43 та маҳаллада жойлашган оилаларнинг шарт-шароитлари, нафақага муҳтожлиги ўрганилади. Ва тўпланган ҳужжатлар мутасаддилар эътиборига ҳавола этилади. Мутасаддилар барча ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, кам таъминланган оилаларга нафақа ва моддий ёрдамни бериш ёки бермасликни ҳал этиб беришади.

Маҳаллаларга бириктирилган инспекторлар фуқароларнинг ишлашни ёки ўқишни хоҳловчиларини аниқлаб, улар билан алоҳида мулоқотда бўлишади. Ҳамда мавжуд бўш иш жойларига маслаҳатли тавсиялар беришади. Ўз касбини ўзгартирмоқчи бўлган ёки янги касбга ўқимоқчи бўлган ёшларни ҳам аниқлаб, уларни Бош бошқарма қошидаги «Ўқув маркази»га ўқишга тавсия қиладилар. Бу ўқишлар ҳам барчаси бепул. Инспекторлар «Усто шогирд» услуби асосида маҳаллалардаги ҳунарманд усталарни аниқлаб уларга шогирдлар топиб беришда ҳам ўз ҳиссаларини қўшаётирлар.

Туманимизда Ўзбекистон Президентининг амнистия Фармонига мувофиқ озодликка чиққан ва жазо муддатини ўтаб чиққанлар учун ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунда маҳалла аҳли, меҳнат органи ва туман ҳокимлиги қошидаги мослаштириш (адаптация) маркази, ички ишлар бўлими билан биргаликда иш юритиб, уларни ҳам ишга ёки ўқишга жойлаштиряпмиз. Жорий йилда ана шундайларнинг умумий сони 1246 нафар бўлиб, шундан 817 таси ишга жойлаштирилди.

Ҳозирги вақтда меҳнат органининг ходимлари ўз олдиларига қўйилган барча муаммоларни ҳал этиб, вақтида ва самарали бажаришга интилмоқдалар. Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳам ҳар бир кунни масъулиятли, деб ҳисобламоқдалар.

***Гули АБДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.***

## Тошкент шаҳар назорат инспекциясида

# ИЖРО ИНТИЗОМИ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

***Тошкент шаҳар назорат инспекциясининг 1999 йил иккинчи ярмидаги асосий иш режасига мувофиқ текширишларни тартибга солиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш масалаларига оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг шаҳар ва туман ҳудудий комиссияларида ва бир қатор назорат органлари томонидан бажарилиши ўрганиб чиқилди. Ушбу жараёнда айрим ҳудудий комиссиялар ва назорат органлари томонидан қўлланма ҳужжатларини бажаришда бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди.***

Ташкил этилган ҳудудий ишчи комиссиялар, назорат қилувчи органлар режа жадвалларининг тузилиши ва уларга амал қилиниши, ҳайъат мажлисларини ўз вақтида ўтказиш масалаларига етарли аҳамият бермаганлар. Бундай ҳолатларни Сергели ва Мирзо Улуғбек туманлари ишчи комиссиялари фаолиятида кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2114-сонли Фармонининг 3-бандига зид равишда Сергели туман солиқ инспекцияси томонидан 10 та корхона бир йилда 2 маротаба, Мирзо Улуғбек туман солиқ инспекцияси томонидан 1 та корхонада бир йилда 4 маротаба текширишлар ўтказилгани аниқланди.

Шаҳар солиқ бош бошқармаси ва шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ҳимоялаш бош бошқармаси томонидан ҳам 30 календар кунидан ошиқ муддатларда текширишлар ташкил қилингани ўз исботини топди. Юқоридаги Фармоннинг 7-бандига зид равишда Сергели туман солиқ инспекцияси, Юнусобод туман санитария-эпидемиология станцияси ва Яккасарой туман пенсия жамғармасининг аттестациядан ўтмаган ходимлари текширишларда қатнашишган.

Шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ҳимоялаш бош бошқармаси томонидан 104 та, унинг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан 80 та, Сергели солиқ инспекцияси томонидан 34 та текширув Кенгаш ва ҳудудий комиссия рухсатисиз ўтказилган.

Чилонзор, Миробод тумани пенсия жамғармаларида, Собир Раҳимов туман меҳнат биржасида махсус гувоҳномалар жорий қилинмаган.

Сергели, Мирзо Улуғбек туман солиқ инспекцияларида Президент Фармонларини бажаришга эътиборсизлик билан қаралган. Ушбу бошқармалар томонидан юқори ташкилотлардан келган хатларга белгиланган муддатларда жавоб берилмаган.

Текшириш натижалари назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ишчи комиссияси ва Тошкент шаҳар назорат инспекциясининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

## Саноат

# УЙЛАРИМИЗ ИССИҚ БЎЛСИН ДЕБ



***Айни қиш пайтида шаҳримиздаги барча хонадон ва ташкилотларни иссиқлик билан мунтазам таъминлаш мақсадида «Тошиссиқликқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан бир қанча ибратли ишлар олиб борилмоқда.***

Жумладан яқинда «Хасково» насос станцияси қуриб битказилди. Бу эса Чилонзор ҳамда Акмал Икромов туманларида гидравлик иш режимини яхшилаш билан бирга 9-иссиқлик марказидаги тармоқли насослар ишини барқарорлаштиради. Шунингдек, Абдалин кўчаси ҳамда «Қорасув» 2-иссиқлик маркази оралиқларида 900 метр узунликдаги иссиқлик трассаси қайта таъмирланди. Натижада Мирзо Улуғбек туманидаги турар жойларни иссиқлик билан таъминлашда анча тежамкорликка эришилди. Шу билан бирга бир қанча кўчалар ҳудудида иссиқлик тармоқлари қуриб фойдаланишга топширилди. Маҳаллий жойлардаги 41 қайнатиш агрегатлари тўлалигича таъмирланди, 11 та буғ қозонлари янгиланди. 353 та буғ қозонлари ҳам лозим даражада таъмирланди. Бундан ташқари 14 та буғ қозонларининг кундалик ишлаш жараёни синовдан ўтказилди. Мазкур жамоанинг жорий йилда қилган саъй-ҳаракатлари туфайли шаҳримиз аҳолиси қишки мавсумни иссиқ хоналарда кўнгилдагидек дам олиб ва меҳнат қилиб ўтказадилар.

***Усмон УСМОНОВ.***

***СУРАТДА: «Хасково» насос станциясининг ишчиси Шокир Шукуров.***

***Муаллиф олган сурат.***

***Мустақил мамлакатимиз қисқа вақт ичида катта муваффақиятларга эришди. Халқимизнинг бой тарихи ва маданий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда.***

## Қутлуғ қадамжолар

# ОСОРИ АТИҚАЛАР — ЭЪЗОЗДА



Темурийлар тарихи Давлат музейида ҳам маданий ва тарихий меросимиз, муқаддас ҳисобланмиш қадимий осори атиқаларимизни кўз қорачиғидек авайлаб-асраш, эъзозлашга катта аҳамият берилмоқда.

Мустақилликка эришган давлатимизда Президентимиз ташаббуси билан қад ростлаган муҳташам бинолар орасида Темурийлар тарихи Давлат музей ўзига хос гўзалликка эга. Музей биноси истиқлол маънавиятига ва Амир Темур даҳосига қўйилган ҳайкал бўлди. 1996 йил 18 октябрь куни музейнинг очилишида Президентимиз шундай деган эди: «Бугун зўр шодиёна билан очилаётган Темурийлар тарихи Давлат музейи Соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир. Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси — Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.

Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бу васият айнан бизлар учун — буюк Соҳибқироннинг бугунги авлодлари учун айтилган. Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан Амир Темур номи барҳаёт!».

Музейнинг экспонатлари асосан иккинчи қаватга жойлаштирилган бўлиб, экспозиция залида етти юзга яқин экспонатлар жой олган. Экспонатлар соҳибқирон Амир Темур ҳаёти билан боғлиқ. Ибн Арабшоҳ, Шарафиддин Али Яздий ёзган китоблар ва Соҳибқирон ҳукмдорлик қилган давлатнинг харитаси, шунингдек, Амир Темур ёзган «Темур тузуклари» ўрин олган. Қўйилган экспонатлар XIII — XIV ва XV асрга оид сопол ва кумушдан ясалган ноёб ашёвий осори атиқалардир.

Музей экспозицияларини кўздан кечирган томошабин халқимизнинг узоқ ўтмиши, тарихи ҳақида бой тасаввурга эга бўлади. Бу қўйилган экспонатлар орасида энг характерлиси Соҳибқироннинг Франция қироли Шарл VI га ёзган хати ва Эрон Ислом Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси совға этган «Шоҳномайи Бойсунқурий» номли форс тилида чоп этилган нусхасидир.

Шу билан бир қаторда мусулмон оламининг машҳур муқаддас китоби халифа Усмон Қуръони мармар лавҳда варақланган ҳолда бутун музейга файз бериб турибди. Музей залларидаги экспонатлар йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримовга Фарғона вилояти Нурсун қишлоғида яшаган Дилбархон ая Рустамова совға этган Қўқон усталари ясаган қадимий мис кўза, америкалик машҳур рассом Стивен Бизлининг металл ва шишадан ясалган «Даврлар бирлиги» деб аталувчи фалсафий асари, Ўзбекистон Миллий Банки томонидан совға этилган XV асрга оид «Мис қозон» ва Тошкентдаги Хитой Халқ Республикасининг элчихонаси совға этган энг қадимги тарихимизга оид қадимий қўлёзма музейга ташриф буюрувчиларнинг диққатини ўзига тортмоқда.

Мана, уч йилдирки, Темурийлар тарихи Давлат музейи фаолият кўрсатмоқда. Бу давр ичида икки миллиондан ортиқ томошабинлар келиб, музейни зиёрат қилдилар. Музей маънавиятимиз кўзгусига, маданиятимиз марказига айланди. Уч йил ичида оддий фуқародан тортиб, то давлат бошлиқларию неча юзлаб хорижлик меҳмонлар бу даргоҳни муқаддас билиб, зиёрат қилдилар.

Соҳибқирон Амир Темурга ва мустақил Ўзбекистонга, умуман ўзбек халқига бўлган ҳурмат ва муҳаббатни музейнинг эсдалик китобига чет эллик меҳмонларнинг ёзиб қолдирган дастхатларидан билса бўлади.

***Муҳаммаджон ЎРМОНОВ, Темурийлар тарихи Давлат музейининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, доцент.***

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ўзбек-ҳинд дўстлигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни университет ректори, Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик жамиятининг президенти Ж. Бўронов ва Ҳиндистон Республикаси элчихонасининг маданий ишлар бўйича маслаҳатчиси Ашок Кумар Шарма жаноблари тантанали равишда очиб беришди.***

## Тадбирлар

# ДЎСТЛИК МУЛОҚОТИ

Маълумки, бир неча йилдан бери талабалар бу ерда таржимонлик факультетининг иккинчи тиллар кафедрасида ҳинд ва урду тилларини тажрибали домлалар З. Насуллаев ва Амир Файзулладан ўрганиб келишяпти. Дўстлик концерти ана шу талабалар ва ҳинд маданий маркази орасидаги бир мулоқот тимсоли бўлди.

Концертда ҳинд, ўзбек қўшиқлари, машҳур шоир Иқбол ва ҳинд маданий марказининг директори, кўпгина ўзбек ҳиндшуносларини тарбиялаган домла, ўзбекистонликларнинг қадрдон дўсти доктор Қамар Раиснинг шеърлари талабалар тарафидан ижро этилди. Бу уларнинг ҳинд ва урду тилларини қай даражада ўзлаштирғанликларининг ҳам бир кўриги бўлди. Ҳиндистон маданий марказининг талабалари ўзларининг ҳинд анъанавий рақси Катхак ва фольклор йўналишидаги жозибадор рақслари билан томошабинларни хушнуд этишди. Ҳиндистонлик Замир Аҳмад Кхан жаноблари ва Анурадха Арора хонимлар ўз санъатларини кўрсатишди.

Маълумки, бу санъаткорлар бир неча ой олдин Тошкентга келишиб, ҳинд маданий марказида табласози ва Катхак рақсига қизиққанларга ўргатиб келишяпти.

Бу мулоқот икки мамлакат ва икки халқ маданиятининг самимий изҳори, ўзбек-ҳинд дўстлигининг барқарорлиги сари яна бир қадам бўлди.

***Дилором КАРОМАТ.***

## Тошкент шаҳар ҳокимлигида

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1999 ЙИЛГИ 10 ДЕКАБРДАГИ 591-Ф СОНЛИ ФАРМОЙИШИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

***Тошкент шаҳри туманлари ва халқ хўжалиги корхоналарида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 декабрдаги 591-ф сонли Фармойишининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилги 10 декабрдаги 591-ф сонли Фармойишининг бажарилиши тўғрисида» қарор қабул қилди.***

Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 декабрдаги 591-ф сонли Фармойиши ижро учун қабул қилинди.

1999 йил 15 декабридан 2000 йилнинг 15 январига қадар Тошкент шаҳрида ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш ва қуйидагилар ойликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

халқ хўжалиги корхоналарини ва аҳоли пунктларини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш;

Тошкент шаҳрининг тоифаланган объектларида ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс тадбирлар ўтказиш.

Тошкент шаҳрида ёнғин хавфсизлиги ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш комиссияси таркиби тасдиқланди.

Туман ҳокимлиги зиммасига ёнғин хавфсизлиги ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш комиссиясини тузиш топширилди. Мазкур комиссия зиммасига ёнғин хавфсизлиги ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш, амалга оширган ишлар якунлари бўйича хўжалик раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш, ҳар 10 кунликда натижаларини кўриб бориш юклатилди.

Тошкент шаҳар туман ҳокимлари, бош бошқарма ва бошқарма бошлиқлари зиммасига:

кенгаш мажлисларида ўзларига қарашли объектлар ва уй-жой фондининг ёнғинга қарши ва техник ҳолатини мустаҳкамлашга қаратилган барча масалаларни кўриб чиқиш;

ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказиш, шунингдек, объектларни ва уй-жойларни ёнғинга қарши ҳолатга келтириш мақсадида қўшимча маблағлар ажратиш;

ёнғин хафсизлиги ойлиги давомида газ ва электр хўжалиги мосламаларининг аҳволи ва уларнинг носозлигига алоҳида эътибор қаратиш;

ҳар бир ёнғин ҳодисаси юзасидан пухта текширувлар ўтказиш, айбдор раҳбарларга нисбатан эгаллаб турган лавозимларидан озод этишгача бўлган таъсирий чоралар кўриш;

ишчилар, хизматчилар, ўқув юртлари ўқувчилари ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олиш юзасидан жамоатчиликни кенг жалб этиш;

халқ хўжалиги корхоналарида ёнғин хавфсизлиги бурчакларини ташкил этиш, уларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш;

ёнғинга қарши сув таъминоти манбалари (гидрантлар, резервуарлар, насослар, сув ҳовузлари, ички ўт ўчириш кранлари)ни соз ҳолга келтириш чораларини кўриш топширилди.

Ободонлаштириш бош бошқармаси зиммасига шаҳар ҳудудида аҳоли орасида тарғибот ишларини акс эттирувчи плакатларни жойлаштиришни таъминлаш топширилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнғиндан сақлаш бошқармаси зиммасига ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида А. Навоий театр майдони, «Сирғали», Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғлари ва Сайилгоҳ кўчасида ҳамда Тошкент шаҳар бозорларида шаҳар аҳолиси билан ёнғинга қарши кураш борасида кўргазмали учрашув ташкил этиш топширилди.

«Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг ТТВ канали, 30-канал, «Грант», «Сезам» радио студиялари раҳбарлари зиммасига ёнғин хавфсизлиги ойлигининг боришини кенг ёритиш ҳамда Давлат ёнғин назорати органлари билан биргаликда узоқ вақт ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳал этилмай келинаётган корхоналар ва уй-жой мавзеларида рейдлар ташкил этиш топширилди.

Савдо, аҳолига хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти, Ёнғиндан сақлаш бошқармаси, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармаси, «Тошбозортайёрловсавдо» бошқармаси зиммасига:

биргаликда савдо шохобчаларида сертификация қилинмаган ва белгиланган давлат стандартларига мувофиқ келмайдиган товарларнинг айрим турлари (пиротехника маҳсулотлари, гугурт, газ, бензин баллончалари ва ҳоказолар) мавжудлигини мунтазам равишда текшириб туриш;

деҳқон бозорлари ҳудудида ва мулкчилик шаклидан қатъи назар савдо дўконлари орқали белгиланган давлат стандартларига мувофиқлигидан далолат берувчи тегишли ҳужжатлари бўлмаган портловчи ва ёнғиндан хавфли товарлар (пиротехника маҳсулотлари, гугурт, газ, бензин баллончалари ва ҳоказолар) сотилишига йўл қўймасликни таъминлаш топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Бош бошқарма ва бошқармалари, туман ҳокимликлари бажарилган ишлар юзасидан 2000 йил 17 январгача Тошкент шаҳар ҳокимлигига ёзма ахборот беришлари керак.

## «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

# ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛДИ

***«Тошкент оқшоми» газетасида босилган «Кўнглингизда не ўй бор» сарлавҳали мақола юзасидан «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Р. Усмонов имзоси билан таҳририятга келган жавобда жумладан шундай дейилади:***

«Мақола «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раҳбарияти томонидан кўриб чиқилди. Амир Темур шоҳбекатидаги тартибсизликлар тўғрисида газетада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар кўрилди. Шу бугунгача шоҳбекатдаги курсилар тузатилди, айвонлар таъмирланиб томлари ўзгартирилди. Ҳайдовчилар ўртасида ҳаракат хавфсизлигини сақлаш учун йўриқномалар ўтказилди. Шоҳбекат майдонидаги ўйдим-чуқур ерларни тўғрилаш учун шағал ётқизилди.

Шоҳбекатнинг ҳуснига доғ бўлиб тушаётган, тартибсизлик билан олиб борилаётган савдо-сотиқ ишларига барҳам бериш ва қонунсизликнинг олдини олиш мақсадида Ҳамза тумани ҳокимлигига, ички ишлар бошқармаси ва солиқ инспекциясига хат юборилди».

# ҚОНИҚАРЛИ ИШЛАМОҚДА

***Газетамизнинг шу йил 6 октябрь сонида «Ишонч телефони хизматингизда» рукни остида «Бизга қўнғироқ қилинг» номли мақола эълон қилинган эди. Таҳририятимизга қўнғироқ қилган Собира Муллажонова Эски шаҳарнинг «Лабзак» даҳасида истиқомат қилувчи Робия Ҳожиматованинг хонадонидаги телефон тез-тез ишламаётгани ҳақида шикоят қилган эди. Ушбу шикоят юзасидан «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Саидакбар Аъзамов имзоси билан жавоб хати келди.***

Унда жумладан шундай дейилади:

«Ўзбекистон почта ва телефонкоммуникациялар агентлигининг топшириғига биноан 1999 йилнинг 6 октябрида газетада чоп қилинган «Бизга қўнғироқ қилинг» номли мақолада қайд этилган 41-88-31 рақамли телефоннинг ишлаши диққат билан текширилди. АТС ходимлари ва абонент Ҳожиматов билан биргаликда далолатнома тузилди.

Абонент томонидан телефоннинг ишлашига даъволар йўқлиги тасдиқланди. Абонент телефон хизматидан жуда кўп фойдаланганлиги сабабли пенсионер Собира Муллажонова ушбу телефонга кўпинча туша олмаслиги аниқланди.

Қўшимча равишда шуни маълум қиламизки, телефон ишламаган вақтларда абонентлар 084 рақами орқали таъмирлаш бюросига мурожаат қилишлари зарур.

Абонент Ҳожиматов томонидан берилган барча буюртмалар ўз вақтида бартараф этилди ва ҳозирги вақтда телефон қониқарли ишламоқда».

# КЎРСАТМА БЕРИЛДИ

***Газетанинг шу йил 28 июль сонидда эълон қилинган «Ҳар кимнинг ўз сўзи бор» сарлавҳали мақолада эълон қилинган танқидий фикр-мулоҳазаларга Мирзо Улуғбек тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А.Юлбарисов қуйидаги жавобни йўллаган:***

«Мақола туман ИИБ шахсий таркибига ўқиб эшиттирилиб, муҳокама этилди.

Ўтказилган текширув натижасига кўра метронинг «Буюк ипак йўли» бекатидан чиқиш жойида савдо қилувчи деҳқонларга милиция ходимлари томонидан содир этилган қўполлик ҳақидаги фикрлар ўз тасдиғини топмади. Шунга қарамасдан туман ИИБ шахсий таркибига фуқаролар билан хушмуомала бўлиш, ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан ўташ, ҳар қандай қонунбузарликларга муросасиз бўлиш тўғрисида кўрсатмалар берилди».

*Мушоҳада*

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ БАРЧАНИНГ ИШИ

***Ер юзида барча хавфлар қатори экологик хавф ҳам кундан-кунга жиддийлашиб бораётир. Бир қатор табиий офатлар кутилмаганда ер куррасининг у ёки бу нуқтасида содир бўлиб инсон ҳаётига тахлика солиб турли фожиаларга олиб келмоқда. Кўплаб шаҳарлар тўфон ва сув тошқинлари остида қолиши туфайли мазкур минтақаларга катта ҳажмда иқтисодий зарар келтирилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ўзбошимчаликни табиат асло кечирмайди.***

Боз устига атроф-муҳит мухофазасига эътибор бермаслик, табиий манбалардан пала-партиш фойдаланиш табиий мувозанатни бузмоқда. Иқлим шароитлар ўзгариб ер ости сувлари кўтарилиши ва ерлар шўрланишига сабаб бўлаяпти.

Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг боиси ҳам ана шунда. Бизда 1999-2005 йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилганига анча бўлди. Шу режада биринчи кўзда тутилган нарса мамлакат аҳолисига соғлом муҳит яратишдан иборат.

Иккинчидан, табиатдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий ресурсларнинг озайиши натижасида етказиладиган иқтисодий зарарни камайтириш.

Учинчидан, Ўзбекистон табиатининг энг нозик ва қимматбаҳо манбаларини, айниқса унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга эътибор кучайди. Кўрилаётган чора-тадбирлар боиси ҳозирги кунда кишиларимиз онгида, тафаккурида атроф-муҳитга муносабати тобора шаклланиб боряпти. Уларнинг экологик дунёқарашини тубдан ўзгартиряпти. Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси эса бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда.

Қўмита ўз иш режасида халқ таълим тизими, олий ва ўрта махсус таълими, Биоэкосан, «Экосан» халқаро жамғармасининг шаҳар бўлими, мавжуд корхона, ташкилот муассасалар, 474 дан ошиқ ўз-ўзини бошқарувчи органи бўлмиш маҳалла қўмиталари ва бир қатор жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ахборот воситалари ёрдамида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўймоқда.

Биргина 1999 йил давомида табиат муҳофазаси ҳақида қўмита томонидан телевидениеда 14 марта, радиода 21 марта чиқишлар ташкил этилди.

Республика ёшларининг Биоэкосан ўқув-услубий мажмуаси билан «Табиат кеча, бугун, эртага» шиори остида Мирзо Улуғбек номли истироҳат боғида Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни кенг нишонланди.

«Экосан» жамғармаси билан ҳамкорликда 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишлаб «Оила ва экология — болалар нигоҳида», Мирзо Улуғбек туманидаги бир нечта болалар боғчасида «Табиат — чекмасин азият», шаҳар ички ишлар бош бошқармаси автомобиль йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими билан ҳамжиҳатликда «Тоза ҳаво» каби 16 дан ошиқ тадбирлар ўтказилди.

Бундан ташқари шаҳардаги барча туман ҳокимликларида давлат назорат нозирлиги бўлими томонидан ҳар ойда камида бир мартадан атроф-муҳит муҳофазаси ва ободонлаштириш муаммолари муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланиб борилмоқда.

Айниқса, шаҳарда атмосфера ҳавосини ифлосланишдан сақлашда «Тоза ҳаво» тадбирининг бир йилда икки марта — баҳор ва куз мавсумида икки ой давомида ўтказилиши ижобий натижалар бермоқда. Мазкур тадбирлар самараси атрофлича таҳлил қилиниб борилмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунларига зид иш тутаётган автотранспорт корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий ва интизомий чоралар кўрилмоқда, автомобилларни таъмирлаш устахоналари, ёқилғи қуйиш корхоналари фаолияти қаттиқ назорат қилиниб бориляпти.

Йил давомида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузгани учун шаҳардаги 291 корхонанинг масъул ходимларига 863350 сўм жарима солингани фикримизнинг далилидир. Албатта, шаҳарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш ва унинг олдини олиш чораларини кўриш билан боғлиқ бўлган бу тарғибот-ташвиқот ишлари аҳолининг ҳар томонлама экологик савиясининг ошишига самарали таъсир кўрсатяпти. Шу боис ҳозирги кунга келиб аҳолининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қабул қилинган қонунларга муносабати тубдан ўзгарди. Натижада атроф-муҳит муҳофазаси яхшиланмоқда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланилмоқда. Тупроқ, сув, сув ҳавзалари атмосфера ҳавосини ифлослантирмаслик, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш меъёрлар даражасига кўтарилиб бормоқда.

Чиндан ҳам, биз аҳоли орасида табиатни муҳофаза қилишни барча жабҳаларида тез-тез кенг қамровли ахборот воситаларининг барча кўринишларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борсак мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти билан ҳамкорликда «Табиат ва инсон», «Человек и природа» саҳифаларининг ойма-ой нашр этиб борилиши диққатга сазовордир. Биргина шу йилнинг ўзида ҳар иккала газетада 22 саҳифадан иборат табиатни муҳофаза қилишга оид 97 та турли мавзулардаги мақолалар эълон қилинди. Бу чиқишлар аҳолининг экологик маданияти ошиши, мамлакатимиз тараққиёти юксалишига ҳар томонлама ўзининг салмоқли улушини қўшиши муқаррардир.

***Эрмўмин ЧЎПОНОВ,***
***Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси илмий-техника тараққиёти ва экологик тарғибот бўлими бошлиғи.***

*Туманларда*

# ТОЗА ҲАВО — ТАНГА ДАВО

***Акмал Икромов тумани шаҳримизнинг жануби-ғарбий томонида жойлашган бўлиб, умумий ер майдони 2798 гектарга тенг. Аҳолиси 225,4 минг кишидан иборат. Туман ҳудудидан 137 та кўча, 245 та тор кўча ва 26 та боши берк кўчалар ўрин олган. Бу ерда айни кунларда 50 та маҳалла қўмитаси ишлаб турибди. Туман ҳудуди Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Тошкент вилоятининг Зангиота туманлари билан чегарадош.***

Тумандан Бўзсув ва Қорақамиш каналлари оқиб ўтади. Бундан ташқари шаҳар сув хўжалиги бошқармасига қарашли 5 та канал, яъни Чўпонота, Ботирма, Қаъни, Бирлик ва Кўкча каналларидир. Шунингдек, «Ихтисослаштирилган қурилиш, таъмирлаш, суғориш, кўкаламзорлаштириш иншоотлари трести»га қарашли тўртта ирригация шохобчалари ҳам туман ҳудудини кесиб ўтади.

Ҳозирги кунда бу ерда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратида турган 19 та йирик корхона, 96 та кичик корхона, фирма ва 4 та қўшма корхоналар бор. Очиқ сув ҳавзаси ҳисобланган Қорақамиш каналига 18-автобус саройи, Бўзсув аэрация станцияси ўз оқава сувларини ташлайди. 10 та корхонада эса ер остидан сув олувчи артезиан қудуқлари мавжуд.

Йирик корхоналарнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш учун шу йил давомида 836,5 минг сўм сарфланган. Натижада бу корхоналарнинг атмосфера ҳавосини сульфат ангидриди, аммиак ва ҳар хил чанглар билан ифлослантирилиши анча камайди. Ушбу ҳудудда жойлашган 194 та корхона, ташкилот ва муассасалардан 27 таси чанг ва газ тозаловчи ускуналар билан жиҳозланган. 11 та ташкилотда бундай ускуналар янгидан жиҳозланиши бошланди.

1999 йилда қўмита назоратчилари томонидан тумандаги 2 та корхонанинг экологик ҳолати талабга жавоб бермаслиги аниқланди. Шу сабаб уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилди. Тумандаги бир қатор корхона ва муассасаларда симобли люминесцент лампаларини ўз вақтида қайта тиклаш ва зарарсизлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, «Ҳисоблаш техника воситаларини таъмирлаш» корхонаси люминесцентли лампаларни қайта ишлаш ва зарарсизлантириш учун шундай маҳсулотдан 500 донасини «СЭЛТА» қўшма корхонасига топширди.

Бир сўз билан айтганда, туманда табиатни муҳофаза қилиш, уни ифлослантирмаслик, табиий манбалардан оқилона фойдаланиш ишига катта эътибор қаратилмоқда.

***Мактуба УМАРОВА,***
***Орзиқул ТУРОБОВ,***
***Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозирлари.***



# ТАБИАТ ВА ИНСОН



**№ 11 (95) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси**

*Текширувлар*

## ҚОИДАБУЗАРЛАРНИ ТАНИШТИРАМИЗ

***Қўмита назоратчилари ўз анъаналарига содиқ қолиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, сув манбаининг озодалиги бўйича бир қатор текширувлар ўтказишди. Кузатув давомида бир қанча қоидабузарликларга дуч келинди.***

◆ «Тошшаҳарнур» корхонасининг бош механиги А. Зокиров 5250 сўм жарима тўлади. Нега? У ишлатилган мой сақлаш сиғими атрофи тозалигига эътибор бермай, ифлосланган мойларнинг тўкилишига йўл қўйгани ва шу билан табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатгани учун ана шундай маъмурий жазога тортилди.

◆ 14-автокорхона раҳбарияти ҳам табиатни муҳофаза қилиш ишига етарли эътибор бермаган. Баъзи бир маҳсулотлар учун тегишли жойлардан махсус рухсатномалар олинмаган. Шу сабабли корхонанинг техника хизмати бўлими бошлиғи В. И. Бабичга 5250 сўм жарима солинди.

◆ Табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш тадбирлари кўрилмаганлиги учун «Махсуснур» корхонаси ходими К. Исаев ҳам 5250 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

◆ «Компрессор» ҳиссадорлик жамиятининг 4-цех бошлиғи В. А. Ивановга эса дастгоҳлар ёнига мой тўкилиши оқибатида ер ости сувларини ифлосланишига олиб келинганлиги ҳисобига 3500 сўм жарима солинди.

◆ «Мармарзор» корхонаси раҳбари Т. Ёндамалиев ҳам оз эмас, кўп эмас — 2000 сўм жарима тўлади. У табиатни зарарлантиришга олиб келган баъзи бир маҳсулотларни давлат экологик экспертизасидан ўтказилмаганлиги боис шундай маъмурий жазога тортилди.

◆ «ОНИКС» акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси Т. Камаев ҳам қоидабузарликка йўл қўйди. У махсус сув ишлатиш учун рухсатнома ҳужжати йўқлиги ҳамда сувдан фойдаланиш тартиби ва режаларини бузган ҳолда сувдан фойдалангани учун 3500 сўм жарима тўлади.

◆ «Даврtранс» жамоа корхонасининг устаси В. Абдураҳмонов сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги ва шу сабаб табиатга зарар етказгани учун ҳамёнидан 1750 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

◆ «Агромаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Гросс-Ваген» корхонаси директори автомобилларнинг экологик ҳолати экспертиза талабларига жавоб бермаслигини билатуриб ишга чиқарган. Шу қилмиши учун у 5250 сўм жаримага тортилди.

◆ Автотаъмирлаш корхонасининг 14-участакаси устаси Х. Кўчқоров автомобилларни ювиш жойида нефть маҳсулотларининг тўкилишига йўл қўйган. Бу ҳолат сув ресурсларини ифлосланишига олиб келган. Натижа 2000 сўмлик жарима тўлаш билан хулосаланди.

***Барно ЭРГАШЕВА,***
***Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.***



Ҳар фаслнинг ўз хислати бор.

*Ободонлаштириш*

# ЯШИЛ БОЙЛИГИМИЗ

***Бу туман ўзининг дарахтзорлари, яшил зона ва хиёбонлари кўплиги билан бошқалардан ажралиб туради. Унинг ҳудудини кезган киши чинор, ясен, дуб, сафора ва бошқа хил манзарали ҳамда кўп миқдордаги мевали дарахтлардан ташкил топганлигига яна бир карра ишонади.***

Инсон саломатлиги учун муҳим аҳамият касб этадиган ҳамда атроф-муҳитни табиий экологик мувозанатини таъминлайдиган бу яшил дўстларимиз 30-40 йиллар давомида бу ерда шаклланиб келди. Айниқса, ёзнинг жазирама кунларида бу дарахтлар тагида сайру саёҳат қилган инсонлар уларни нақадар авайлаб-асраш кераклигини юракдан ҳис этади.

Бизнинг Чилонзор тумани ободонлаштириш бошқармаси ходимлари яшил бойлигимизни сақлаш, асраш, уларни кўпайтириш йўлида самарали ишларни амалга ошириб келишмоқда. Айниқса, бу борада Тошкент шаҳар ҳокимининг 400-қарорига асосан туманда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларининг олиб борилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга асосан туман ҳудудида жойлашган ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, ўқув масканларига аниқ топшириқлар берилиб, бажариладиган ишлар кўлами кўрсатилади. Туман фаоллари йиғилишида маҳалла оқсоқоллари билан суҳбатлар ўтказилиб, келгуси режалар белгиланади. Шу ҳудудда жойлашган автотранспорт корхоналари ҳам бу хайрли ишдан четда қолишмайди. Уларнинг ёрдамида туманга қарашли жуда кўплаб кўчалар ва хиёбонлар ободонлаштирилиб, у ерларда яшил зоналар барпо этилмоқда. Хусусан, Чўпонота, Фарҳод, Халқлар дўстлиги кўчаларини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин.

Баҳор ва куз ойларида ўтказиладиган кўкаламзорлаштириш ва кўчат экиш даврида аҳоли фаол иштирок этмоқда. Ҳамжиҳатлик самараси туфайли туманнинг Туроб Тўла, Сўгалли ота, Абдулла Тўқай, Халқлар дўстлиги ҳамда янги бунёд этилган Меҳр кўчаларига 2250 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Бу тадбирда Усмон Юсупов, Дўмбиробод маҳалла аҳли ўзининг муносиб улушини қўшди.

Шаҳримизда ўтказиладиган халқаро «Экосан» фонди режасида олиб бориладиган тозалик ва санитар ойлиги кунларининг ҳамма босқичларида туман аҳолиси фаол қатнашадиган бўлди. Хусусан, мана шундай тадбирлар туфайли туман ҳудудини ифлослантириб ётган 669,5 тонна кераксиз чиқиндилар белгиланган жойларга олиб чиқиб ташланди.

Бугунги кунда туман ободонлаштириш бошқармаси ходимлари дарахтларга шакл бериш, қуриган ҳамда чириган дарахтларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнига янги ниҳолларни экиш режаларини амалга оширишяпти. Шунингдек, туман кўчалари ободонлаштирилиб, унинг чиройига чирой қўшилмоқда.

***Ҳамза ХОЛМУРОДОВ,***
***Чилонзор тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи.***

*Топилма*

# ДИНОЗАВР ИЗЛАРИ

Бундан миллион йил илгари яшаган гигант ҳайвон — динозавр излари Бразилиянинг Параиба штатида топилди. Бу ҳайвоннинг излари қотиб кетган ботқоқликни қазиш натижасида аниқланди. Олимларнинг фикрича, из қолдирган динозаврнинг узунлиги 10 метр бўлиб, панжаларининг изларидан ва бошқа органларининг қолдиқларидан унинг оғирлигини бемалол аниқлаш мумкин. Бразилиянинг «Вежа» журнали динозаврнинг Африкадан Шимолий Шарққа томон келганлигини ёзади. Маълум бўлишича, юз миллион йил илгари Африка ва Жанубий Америка бир қитъа бўлган экан.

*Ҳайвонот олами*

# ҚУВУРДАГИ ЛАЙЛАК ИНИ

Болгариянинг Бела-Черка шаҳридаги нон заводи зудлик билан қайта таъмирланадиган бўлди. Қурувчилар енг шимариб ишга киришиб кетишди. Завод қувури ҳам таъмир қилиниши зарурлиги ҳақида гап кетганда корхона маъмурияти лаб тишлаб қолди. Чунки қувур ичи аллақачон лайлаклар маконига айланган экан.

Хўш, узоқ йиллар давомида завод ишчиларининг энг яқин дўстларига айланиб қолган лайлак уясини энди қаерга кўчириш керак? Қурувчилар бу муаммони ҳал этишди. Улар қувур ичидаги уяни безарар олиб, уни таъмир ишларидан ҳоли жойдаги нон ёпиш цехининг томи орасига мустаҳкамлаб қўйишди. Ота ва она лайлаклар бегона жойга кўчишни унча ёқтирмагандек, «ётоқлари»га гоҳ келиб, гоҳ келмай қўйдилар. Кеч кузда эса қанот чиқарган болаларини олиб қаёққадир учиб кетишди.

Энди шаҳарликлар оғзида «Лайлаклар баҳорда яна қайтиб келармикин? Агар келса янги инида яшармикан? Ёки эски жойига қайта ин қўйишармикан?» деган дув-дув гап юрибди.

*Ажаб дунё*

# ОБ-ҲАЁТ ИЗЛОВЧИСИ

Монголиянинг Марказий аймоғи ҳисобланган Сомон Бурэнлик чорвадор Р. Доржпалам ўз қишлоғи кишилари ўртасида об-ҳаёт изловчиси номи билан машҳур бўлиб кетди. У 1966 йилдан бери кўплаб сув манбаларини топиб, ўз қўли билан қуруқ чўлда ўндан ортиқ қудуқ кавлади.

У бу муваффақиятга кузатувчанлиги, табиатни яхши билиши ва меҳнатсеварлиги билан эришди. Табиат ато қилган баъзи бир ўт-ўланлар ўсадиган ер остида сув ернинг юқори қатламларига яқинлигини, у тажрибадан яхши биларди.

Р. Доржпалам сув излашга ёрдам берувчи кўпгина тажрибаларга эга. Масалан, у қоқ ярим кечада чамалаган жойидаги ер сатҳини бироз кавлаб қўяди. Агар эрталаб унда сув кўринса ёки қазилган ҳандақ деворлари ҳўлланиб қолса, демак, ана шу жойдаги сув ер юзига яқинлиги ўз-ўзидан маълум. Қазилаётган жойдаги сув ҳажми эса зарб билан кавлаш вақтида эшитилаётган товушга қараб белгиланади.

***Саҳифани Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.***

Шарқ дурдоналари

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

◆ Одамлар интилмаслиги лозим бўлган нарсалар нима? — сўрадилар Бузўргмеҳрдан.

— Нокасларнинг мақтовини эшитмаслик ва пасткаш кишилардан умид қилмаслик, — деди у.

— У дунё ва бу дунёни нима билан топиш мумкин? — деб сўрадилар.

— Яхшилик, илм ва тўғрилик билан! — деб жавоб берди у.

— Надомат чекувчи ким?

— Шошқалоқ ва ўзбилармон!

***Ўзбилармон меъмор қурган бинонинг девори,***
***Доимо пушаймонлик ичида бўлади.***

— Зое ўтган умр қайси? — деб сўрадилар.

— Бировга яхшилик қила олиш мумкин бўлиб, қилмаган умр! — деди у.

— Доноликка оро берувчи нима? — деб сўрадилар яна.

— Тўғри фикр! — деди у.

— Шижоат нима? — деб сўрадилар.

— Узр сўрай олиш! — деди у.

— Қайси ҳунар энг яхши! — деб сўрадилар.

— Илм ҳунари! — деди у.

— Ким билан дўст бўлиш керак?

— Ҳасаддан узоқ юрган киши билан!

— Ақлли кишилар кимдан эҳтиёт бўлишлари керак? — деб сўрадилар.

— Олий лаганбардордан ва хасис бойдан!

**«Бузўргмеҳр ҳикматлари»дан.**

◆ Айтди: Бирор кишининг аҳволида ўзгариш юз берса ва ҳаёт унинг учун оғирлашса, бундай одам ночор ва толесиз кишилар билан бу борада маслаҳат қилмаслиги лозимки, бундай одам берган ҳар бир маслаҳат тўғри йўлдан узоқ, нотўғри йўлга яқин бўлади.

◆ Бахтли кунларида дўстларидан алоқасини узган кишига бахтсиз кунларида ҳеч ким ёрдам бермайди.

◆ Кимки ҳаётим осонлик билан ўтсин деса, яхшию ёмонликдан унга нимаики етса,тангри таоллодан деб билсин, ҳою-ҳавасга берилмасин, ичини ҳасаддан ҳоли тутсин, барчага нисбатан ўзини одил тутиб, бировга нисбатан инсофсизлик қилмасин!

◆ Паришонлик тўрт нарсадан юз беради: биринчи — дўстлардан айрилишдан, иккинчи — душманлар макридан, учинчи — яхши ишлардан юз ўгиришдан, тўртинчи — покдил одамларни хор тутишдан.

◆ Сўрадилар: Дўст ким?

Айтди: Оғир кунда ёрдам берган киши.

Сўрадилар: Дунёда энг ёмон нарса нима?

Айтди: Юраги қора дўст.

Сўрадилар: Юраги қора дўст нимага ўхшайди?

Айтди: Тушга ўхшайди, тушда ажойиб нарсаларни кўрасан, аммо уйғонганингда қўлингда ҳеч нарса бўлмайди.

◆ Дунё сенга хуш ўтиши учун ўзингни ўткинчи ҳою-ҳаваслардан асра, мол-дунёингни Худойи таолло розилиги йўлида сарф эт, шунда пушаймон емайсан!

**СУЛУН ҲАКИМ.**

◆ Луқмони ҳаким ўғлига насиҳат қилиб деди:

— Эй ўғлим, сабрни ва ўз нафсинг билан курашишни ўзинг учун шиор қил, ҳаром нарсалардан қоч,

***Қаноат кишини бой қилади.***
***Жаҳон кезувчи очкўзга (бу ҳақида) хабар бер!***

Бировнинг ризқ-рўзига кўз тикма, шунда ўзингни қийнашдан қутуласан! Таомдан оч, ҳикматдан тўқ бўл. Одамларнинг фаҳмига яраша гапир. Иложи борича жимликни ихтиёр қил, шунда одамларнинг ёмонлигидан омон бўласан. Аблаҳларга қарши сукутдан кўмак ва мадад қидир. Одамлар сенда йўқ нарса билан сени мақтасалар, бунга керилмаки, одамлар сўзи билан қуруқ бош косаси дурга айланмайди. Ўзингдан кучлилар билан низолашма, ўзингдан кучсизларни ерга урма. Бадгумонликка юрагингдан жой бермаки, у ҳеч бир дўст билан самимий яшашингга йўл бермайди. Айтишларича, тўрт нарса улуғ қийинчиликдан ҳисобланади: хотиннинг кўплиги, уйнинг вайроналиги, нопок аёл ва ёмон қўшни!

Яна айтди: Эй ўғлим, барча ҳикматларни ўқиб ўрганишга умр кифоя қилмайди, мен барча ҳикматларни тўрт нарсага жамладим, ўша тўрттанинг иккитасини ёдингдан чиқарма, иккитасини эса унут, ёдингга асло келмасин, шунда сен барча ҳикматларга амал қилган бўласан. Биринчиси — Ҳақ субҳонаҳу ва таоллони ёдингдан чиқармагинки, бу билан ишларинг тартибда бўлади, иккинчиси — ўлимни ёдингдан чиқармагинки, барча ишларнинг оқибатини кўрувчи бўласан. Эсдан чиқариш керак бўлган иккитанинг бири шуки, бировга яхшилик қилган бўлсанг, унут, шунда ҳақиқий мард бўласан, иккинчиси — биров сенга ёмонлик қилган бўлса буни ҳам унут, шунда ҳақиқий олижаноб киши бўласан.

Бир ҳакимдан:

— Нима учун устозни отангдан ҳам яхши кўрасан, — деб сўрадилар:

— Устоз абадий тирикликимнинг сабаби, отам эса ўткинчи ҳаётимнинг сабаби! — деб жавоб қилди у.

Бир ҳаким деди:

— Замона сенга боқмаса, сен замонага боқ, чунки одамлар замона қулидирлар.

**«Луқмони ҳаким насиҳатлари»дан.**

◆ Бало тўрига тушиб қолган одамларнинг додига етувчи бўл, бироқ улар ўзларининг ёмон феъллари билан бу кулфатга дучор бўлмаган бўлсинлар.

◆ Одамнинг мукаммал ақлга эга эканлиги аломати душманни ўзига дўст қила олишидир.

◆ Дўстларни ғамга солиш, уларнинг сир-асрорини ошкор қилиш руҳнинг заифлигидандир.

◆ Ботирлигингга қувонма, бахтиёр толеъингга мағрур бўлма, амалга оширган ишинг хайрли ишлардан бўлса, бунга асло пушаймон бўлма...

◆ Ақлнинг нафсга нисбатан устунлиги шуки, ақл одамни сенга қул қилади, нафс эса сени оламга қул қилади.

**АФЛОТУН.**

***Форсийдан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.***

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси қўмитанинг масъул ходими Муқаддас Бузрукхоновага турмуш ўртоғи

**Баҳодир БУЗРУКХОНОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Халқаро молия оламида энг нуфузли "Файненшл Таймс" нашриёти "Банкир" журналининг баҳосига кўра:

- энг йирик халқаро банклар орасида 463-ўринни ва Осиёдаги йирик банклар орасида 67-ўринни эгаллаган;
- жаҳондаги энг ишончли 50 банк жумласига кирган;

«Евромани» журналининг баҳосига кўра:

- 1998-1999 йилларда Ўзбекистондаги энг яхши Банк деган номга сазовор бўлган;
- 1999 йилда Марказий Осиёдаги энг яхши Банк деб белгиланган.

NBU

*Ишониб топширилган омонатларга ўзини масъул деб ҳисоблаб, замонавий халқаро банк маҳсулотларидан фойдаланиб, Сизнинг маблағларингиз ишончлилиги ва яхши сақланишини таъминлаб ҳамда уларнинг даромадлилигини ошириб,*

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ МАЖМУАСИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

***Жисмоний шахслар учун миллий валютадаги омонатлар:***

| Омонат тури ва муддати | % ставка | Дастлабки энг кам бадал |
|---|---|---|
| *Талаб қилиб олингунича* | йилига 12 % | *100 сум* |
| *Муддатли (5 йил)* | йилига 40 % | *1000 сўм, қўшимча бадаллар камида 1000 сўм* |
| *Оқсоқол (1 йил)* | йилига 25 % | *1000 сўм, қўшимча бадаллар камида 1000 сўм* |
| *Меҳрибон она (1 йил)* | йилига 25 % | *1000 сўм, қўшимча бадаллар камида 1000 сўм* |
| *Тўёна (2 йил)* | йилига 30 % | *3000 сўм, қўшимча бадаллар камида 3000 сўм* |
| *Сарпо (3 йил)* | йилига 31 % | *3000 сўм, қўшимча бадаллар камида 3000 сўм* |
| *Таътил (3, 6, 9, 12 ой.)* | йилига 2,5 % | *3000 сўм, қўшимча бадаллар камида 3000 сўм* |
| *Писо (3 ой, талаб қилиб олинмаган ҳисобварақлар бўйича муддат яна 3 ойга тўғридан-тўғри узайтирилади)* | йилига 8 % | *2000 сўм, қўшимча бадаллар камида 2000 сўм* |
| *Келажак (5 йил)* | МБ нинг қайта молиялаш ставкаси бўйича (36%) | *1000 сўм, қўшимча бадаллар камида 500 сўм* |

***Бутун Ўзбекистон аҳолиси учун қисқа муддатли омонатнинг "2000" деб аталган янги тури жорий этилди***

- **омонат 1999 йилнинг 31 декабригача очилиб, 2000 йилнинг 5 январигача бўлган муддатга амал қилади;**
- **омонатнинг энг кам миқдори 2000 сўм;**
- **омонатга бадаллар нақд пул билан ҳам, омонатчилар ёки уларнинг вакиллари томонидан пул ўтказиш йўли билан ҳам тўланиши мумкин;**
- **омонат бўйича фоиз ставкалари йилига 42% (ёки ойига 3,5%) миқдорида белгиланади.**

***Жисмоний шахслар учун хорижий валютадаги омонатлар:***

| Омонат тури ва муддати | % ставкаси (йилига) | ҳисобварақлардаги қолдиқ (АҚШ долларида) |
|---|---|---|
| *Талаб қилингунча* | *% сиз* | *300 гача* |
| | 4,5 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 4,75 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 5,0 % | *10000 дан ортиқ* |
| *1 йилдан 2 йилгача муддатли омонат* | 5,75 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 6,0 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 6,25 % | *10000 дан ортиқ* |
| *2 йилдан 3 йилгача муддатли омонат* | 6,25 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 6,5 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 6,75 % | *10000 ортиқ* |

***Жисмоний шахслар учун эгасининг исми ёзилмайдиган хорижий валютадаги омонатлар:***

| Омонат тури ва муддати | % ставкаси (йилига) | ҳисобварақлардаги қолдиқ (АҚШ долларида) |
|---|---|---|
| *Талаб қилингунча* | % сиз | *300 гача* |
| | 4,0 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 4,25 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 4,5 % | *10000 дан ортиқ* |
| *1 йилдан 2 йилгача муддатли омонат* | 5,25 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 5,5 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 5,75 % | *10000 дан ортиқ* |
| *2 йилдан 3 йилгача муддатли омонат* | 6,0 % | *300 дан 5000 гача* |
| | 6,25 % | *5000 дан 10000 гача* |
| | 6,5 % | *10000 дан ортиқ* |

***Қонунда белгиланган тартибда амалга ошириладиган жисмоний шахслардан хорижий валютани харид қилиш ва уларга сотиш операциялари***

***"VISA Classic" ваVISA Electron" пластик карточкалари***



Пластик карточкалар бир йил муддатга очилади;
*VISA* карточкаларининг эгалари бир йил муддатга бепул суғурта қилинади.

***"American Express" - йўл чеклари энг машҳур ишончли тўлов воситасидир***

- "Американ экспресс" йўл чеклари нақд валюта эквивалентидир;
- Миллионлаб магазинлар, меҳмонхоналар ва ресторанларда Сиз бевосита шу карточкалар ёрдамида ҳақ тўлайсиз;
- "Американ экспресс" чеклари муддатсиздир. Сиз уларни навбатдаги чет эл сафарига қадар сақлашингиз мумкин.
- Йўл чекларини харид қилиш чоғида чекнинг чап тарафидаги юқори бурчагига, нақд пул олаётган вақтда эса чап тарафидаги қуйи бурчакка имзо чекинг ва Сиздан бўлак ҳеч ким пулингиздан фойдалана олмаслигига ишончингиз комил бўлсин.
- Нақд валютага алмаштириш чоғида Сиз янада фойдалироқ алмашув курсидан фойдаланишингиз мумкин.
- Чекни йўқотиб қўйган тақдирингизда, уни ер куррасининг исталган жойида 24 соат ичида текинга тиклаб беришади.



"АМЕРИКАН ЭКСПРЕСС" ЙЎЛ ЧЕКЛАРИ БУТУН ДУНЁДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

***Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг сўмдаги пластик карточкалари***

- ***замонавий тўлов воситасидир***
- карточка эгаларига йилига 35% фойда тўланадиган омонатлар очилади (Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади)
- энг кам омонат 150 сўм



**Ўрта ва олий ўқув юртларининг ўқитувчилари учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг сўмдаги пластик карточкалари 2000 йилнинг 1 январига қадар ТЕКИНГА ОЧИЛАДИ.**

**Сўмдаги пластик карточкалар супермаркетларда, магазинларда, маиший хизмат корхоналарида тўлов воситаси сифатида қабул қилинади ва ҳисобварақ қаерда очилганидан қатъи назар, пластик карточкалар эгаларига Банкнинг исталган бўлим ва филиалларида нақд пул берилади.**

СЎМДАГИ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРНИ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ СУПЕРМАРКЕТЛАР, МАГАЗИНЛАР ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ НОМИ ВА МАНЗИЛИ:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | *"Панасоник" магазини, Тошкент ш.,. Навоий кўчаси, 14* | 13. | *Магазин № 6, Тошкент ш., ТТЗ-4 мавзеси,.2* | 25. | *" Океан - Сиифуд" супермаркети* |
| 2. | *"Шарқ Мир" супермаркети, Тошкент ш., .Отатурк кўчаси,1* | 14. | *Магазин № 9, Тошкент ш., Қурилиш кўчаси, 9* | 26. | *" Океан - Сиифуд" ресторани* |
| 3. | *"Алп-Жамол" супермаркети, Тошкент ш., М.К.Отатурк кўчаси, 21* | 15. | *Магазин № 3, Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 1* | 27. | *"Зенит"магазини Нукус ш.,. Тўрткўл шоҳ кўчаси, 54* |
| 4. | *"Италфуд" супермаркети, Тошкент ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 63* | 16. | *"Истиқлол" Сити супермаркети Тошкент ш., Буюк ипак йўли, 52* | 28. | *" Маржон"магазини Нукус ш., Қорақалпоқистон кўчаси, 21* |
| 5. | *"Толландмаркет" супермаркети, Тошкент ш., Тожик кўчаси, 1* | 17. | *Тошкент ш., Авиачипталарни банд қилиш ва сотиш комплекси, У.Носир кўчаси, 9* | 29. | *"Инь - ян" магазини, Фарғона ш., М.Қосимов кўчаси, 43* |
| 6. | *"Ал Машриқ" 1-магазини, Тошкент ш., У.Носир кўчаси, 43* | 18. | *Тошкент ш., Маҳаллий йўналишдаги аэропорт* | 30. | *" Ҳамид" магазини, Фарғона ш., Навоий, 6* |
| 7. | *"Ал Машриқ" супермаркети, Тошкент ш., F. Fулом кўчаси, 3* | 19. | *" Нозир" магазини Тошкент ш.,.Навоий кўчаси, 14* | 31. | *" Фарҳод - А" дорихонаси, Фарғона ш., Мустақиллик кўчаси, 29 А.* |
| 8. | *Магазин № 1, Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 165 .* | 20. | *" Зафар" супермаркети Тошкент ш., Амир Темир, 70* | 32. | *" Нилуфар - Ю" магазини Фарғона ш., У.Юсупов кўчаси, 5* |
| 9. | *Магазин № 7 Тошкент ш.,.Беруний кўчаси, 1* | 21. | *" Рубин" магазини Тошкент ш.,.А.Темир, 1* | 33. | *"Анд Наврўз" супермаркети Андижон ш., Мустақиллик кўчаси, 14* |
| 10. | *Магазин № 8 Тошкент ш., У.Носир кўчаси, 144* | 22. | *"Тошкент учоқбоши" ресторани Тошкент ш.,.Лохутий кўчаси, 23* | 34. | *"Анд Наврўз" -2 супермаркети, Андижон ш., Мустақиллик кўчаси, 14* |
| 11. | *Магазин № 4, Тошкент ш., Юнусобод мавзеси., 14-даҳа* | 23. | *"ARDUS" супермаркети Тошкент ш.,. Ю-обод т-ни,. Марказ-4* | 35. | *30-«Зарафшон савдо маркази» Зарафшон ш., 3-мр* |
| 12. | *Магазин № 5, Тошкент ш., «Қизил-Шарқ " мавзеси, 24* | 24. | *" Tashkent Plaza" супермаркети* | | |

**"Замонавий мулкдор" <u>аҳоли, корхона ва ташкилотлар учун қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича банк хизматларининг янги тури</u>**

- карточка эгаларига йилига 35% фойда тўланадиган омонатлар очилади (фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади)
- энг кам омонат 150 сўм

***қимматли қоғозлар олди-сотдисини энди Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалида амалга ошириш мумкин.***

**Хизматларнинг янги тури қуйидаги имкониятларни яратади:**

- "ЭЛСИС - САВДО" биржадан ташқари савдолар электрон тизими ёрдамида қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича операцияларга эркин кириш;
- қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир маслаҳатлар;
- Биржадан ташқари бозорда сотиладиган қимматли қоғозлар котировкалари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш.
- қимматли қоғозлар билан битимларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни, қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича ҳисоб-китоблар хавфсизлигини ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилишини **кафолатлаймиз.**

***"UZ AIG" компаниясининг бахтсиз ҳодисалардан якка тартибда ва оилавий суғурталаш дастури бўйича суғурта васиқасини расмийлаштириш ва олиш, Мазкур васиқа Сизга ва оилангизга қийин дамларда мадад бўлади. Ўзингизга қулай бўлсин десангиз, суғурта бадалини ҳеч қандай тиббий гувоҳномасиз дарҳол тўлашингиз ва суғурта васиқасини олишингиз мумкин.***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ САРМОЯНГИЗНИНГ ФОЙДА КЕЛТИРИШИ ВА САҚЛАНИШИГА КАФОЛАТДИР.**

***Сиз кўп вақт сарфламай, таклиф этилган хизматларнинг исталган турини танлаб олишингиз ёки маслаҳатчига мурожаат қилиб, ўз омонатингизни бир маҳсулотдан олиб, бошқасига ўтказишингиз мумкин.***

**(998 71) 1376283, 1376280, 1375942 рақамли телефонларга қўнғироқ қилиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлими ва филиалидан қўшимча саволларга жавобларни олишингиз мумкин.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0990. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6